Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 28 июнь Шанба. № 50 (14442)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

## Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

— ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

— кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгнинг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

— аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

— жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

— ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий-услубий талабларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рухсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг сўровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан мувофиқлаштирсинлар, унинг сўровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилсин, мазкур марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар юристлар малакасини ошириш марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратилаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристлар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишини кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумладан).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур кенгашга нашр қилишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 июнь.

## Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

**Қадрли дўстлар!**
**Ҳурматли журналистлар!**

Сизларни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман!

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар. Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда сиз, қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ишончим комилки, заҳматкаш журналистларимиз яратилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан самарали фойдаланадилар, демократик ўзгаришларга турлича қарашларни эркин ва ҳаққоний ифодалаш орқали ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтарадилар.

Сизларни, жумладан, барча матбаачиларни, босмахона ишчи-хизматчиларини касб байрамингиз - миллий матбуот куни билан яна бир бор қутлар эканман, ҳар бирингизга озод ва обод мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақият, куч-ғайрат, соғлик-саломатлик тилайман!

**Ислом Каримов,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## Матбуотчилар байрами

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, истиқлол мафкурасини, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни беқиёс ортмоқда. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ташкил этилиши, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган қонунларнинг қабул этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Пойтахтимиздаги «Тошкент-лэнд» истироҳат боғида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлашга бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Республика Президенти девони ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов ўқиб берди. Йиғилишда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов ва бошқалар ҳамкасбларини байрам билан қутлаб, уларнинг Ватанимиз равнақи йўлидаги ижодий фаолиятига муваффақият тилади. Қалам аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирилди.

Байрам қатнашчилари Ўзбекистон матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ўтказган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларини муборакбод этдилар.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов қатнашди.

/ЎзА/



*Тошкент-ленд боғида сайл*

## «Йилнинг энг яхши журналисти»

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами арафасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Фонди «Йилнинг энг яхши журналисти» танловига тақдим этилган 1996 йилги ижодий ишларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади.

Амирқул Каримов - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ҳаким Сатторов - «Халқ сўзи», Раҳмон Қўчқоров - Ўзбекистон телевидениеси, Абдунаби Ҳайдаров - «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» Республика газета ва журналларида эълон қилинган мақолалари ҳамда телевидение орқали намойиш этилган кўрсатувлари учун 1996 <u>йилнинг энг яхши журналистлари</u> деб топилди. Улар танловнинг <u>биринчи мукофоти</u> соҳиблари бўлди. 1996 йилда самарали ижод қилган қуйидаги журналистлар «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови совриндорлари деб топилди.

<u>Иккинчи мукофот:</u>

Муаттар Асқарова - Ўзбекистон телевидениеси, Ғофур Жамолов - Ўзбекистон радиоси, Абдуқаҳҳор Иброҳимов - Маърифат ва маънавият жамоатчилик маркази, Носир Рихсиев - «Тошкент ҳақиқати», Қодиржон Собиров - «Адолат», Ғулом Ғофуров - ТошДУ Журналистика факультети, Наталья Шулепина - «Правда Востока», Қурбон Эшматов - «Ўзбекистон овози»,

<u>Учинчи мукофот:</u>

Шермат Алломов - «Қишлоқ ҳаёти», Анна Иванова - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Мурод Калонхонов - «Муштум» журнали, Мирмуҳсин Мирзокиров - Тўрақўрғон тумани «Машъал» газетаси, Бўронбек Қудияров - «Нурлы жол» газетаси, Абдумутал Норбоев - «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, Сафар Оллоёров - Ўзбекистон радиоси, Тўхтамиш Тўхтаев - «Овози тожик» газетаси, Аллабой Утеулиев - «Ёркин Қорақалпоғистон» газетаси, Норинисо Қосимова - Сирдарё вилояти «Адолат кўзгуси» газетаси, Файзи Ҳайдаров - Ургут тумани «Зарафшон» газетаси, Муҳаббат Ҳамидова - «Гулхан» журнали.

/ЎзА/.

*Эътироф*

## ИШОНЧЛИ КАФОЛОТ

Рединг университети қошидаги илмий - тадқиқот марказини МДҲнинг барча нуқталарида ўз ваколатхоналари мавжуд. Стратегик ва халқаро минтақалараро тадқиқот институтининг илмий ходими Валижон Ҳошимов марказнинг мамлакатимиздаги вакили ҳисобланади. У марказ координатори, иқтисодчи олима Елена Калюжной билан Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби хусусида суҳбатлашди. Е. Калюжной жумладан шундай деди:

-- Марказий Осиё иқтисодиётининг қайта шаклланиш масалалари билан шуғулланувчи иқтисодчи сифатида, Президент И.Каримовнинг янги китобини ўқиб, Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиш концепциясини ўрганиш менда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўзининг ривожланиш ислоҳотлари асосида манфаатли йўлини танлаб олди. Бу йўл иқтисодиёт қоидалари соҳаларининг босқичма-босқич ривожланиб боришига асосланади. Ҳар қандай муаллақ, емирилиш ҳолатларидан холи. Ўз ҳолатича иқтисодиёт илдизларидаги ўзгаришлар халқ дардини, турмуш тарзини ифодалайди, бу муносабат халқ ҳаёти тарзини ҳимоялашга қаратилган. Мен аҳолини руҳан қўллаб-қувватлашни бугунги куннинг долзарб вазифаси деган бўлардим. Бу Ўзбекистондаги стратегик ислоҳотларнинг асосини ташкил қилади.

Президент И. Каримовнинг "Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузиб бўлмайди"- деган сўзлари мени ҳайратга солди. Баъзи янги мустақил давлатлар бу ҳақиқатни унутиб қўйишганга ўхшайди.

Қолган мустақил давлатларнинг яна бир хатоси : 90 йилларнинг бошидаёқ собиқ иттифоқ бозор тизими иқтисодиётидан кўчирма қилмасдан, ўз миллий иқтисодиётини яратиши лозимлигини тушуниб етмаганидадир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон мустақиллигига эришиш учун фойдали йўналиш тизимини қайта ташкил этиш масалаларини ҳал қилмоқда. Мамлакатда энергетика, истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам мустақилликка эришилмоқда. Иқтисодиётнинг кенг қатламли инфраструктураси қайта шаклланмоқда. Бунга Асакадаги автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари мисол бўла олади.

Ўзбекистондаги мени ташвишга солган муаммо, яъни ишлаб чиқаришдаги ўрта бизнеснинг ривожлантирилишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз китобида, ушбу масаланинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратади. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожи ҳар қандай мамлакатдаги иқтисодий соғломликнинг шартлилигини ташкил қилади. Мен ўйлайманки, республика ҳукумати ва иқтисодчилари олдида ушбу йўналишда ҳал қилинадиган масалалар аниқ.

Ўзбекистоннинг ўтиш даврида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалари етарли. Бозор муносабатларини ўзлаштиришда ўзбек халқига муваффақият тилайман, албатта келажакда тараққиёт сизлар билан. Бунга ишончли кафолат бор.




Нукусда "Камолот" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳузурида очилган чет эл сармояларини жалб қилиш марказининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари раислари, ёш тадбиркорлар қатнашдилар. Тақдимотда Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқарувининг раиси Х.Абдураимов иштирок этди, Марказнинг келажак фаолиятини янада такомиллаштириш учун керакли маслаҳат ва тавсиялар берди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси У.Аширбеков, АҚШнинг "Ай Би эм" компаниясининг Марказий Осиёдаги вакили Расим Четин сўзга чиқиб янги марказ ишига омад тиладилар. Замонавий компьютер билан жиҳозланган марказ Орол бўйининг навқирон тадбиркорлари фаолиятига хорижий сармояларни жалб этиш юзасидан дастлабки ишларни бошлаб юборди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан Ўзбекистон ёшлари "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ.Абдураимов ёшлар нашрлари, радио ва телевидение таҳририятлари ижодкорларини қабул қилди.

Бошқарув раиси ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, таълимни ислоҳ қилишда ижодкорлар олдида турган вазифалар ҳақида гапириб берди.

Байрам муносабати билан бир гуруҳ ижодкор ёшларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри, ёш аскар ва зобитларимизнинг севимли газетаси — "Ватанпарвар" беш ёшга тўлди.

"Туркистон" газетаси жамоаси "Ватанпарвар" газетаси ижодкорлари, барча ходимларини ва муштарийларини қутлуғ кун муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.

Газета ёшларимизнинг ҳақиқий ватанпарварлар, мустақиллик ғояларига садоқатли, мард, фидойи инсонлар сифатида чиниқишига ўзининг оташин сўзи билан хизмат қилажагига ишонамиз.

"Ватанпарвар" газетасининг ҳар бир сўзи Ватанимиз сарҳадларида собит турган, она заминимиз ва мусаффо осмонимизни кўз қорачиғидек асрашга астойдил бел боғлаган мардларнинг дил тўридан бундан буён ҳам жой олишига тилакдошмиз.

*Олий мактаб ислоҳоти*

# Ёшлар камолоти йўлида

Мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, халқ хўжалигида банд бўлган мутахассислар малакаси даражаси ва уларнинг бозор шароитларига қанчалик мослашгани бу ислоҳотлар самарадорлигининг асосларидан биридир. Шу сабабли кадрларни танлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш жуда долзарб иш ҳисобланади.

Республикамиздаги бутун таълим тизимини давр талабларига мувофиқ қайта йўлга қўйишда олий ўқув юртлари алоҳида ўрин тутади. Чунки бу даргоҳлардан чиққан мутахассислар эртага кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастагини ўз қўлига олади. Ҳозирча умумдавлат дастури қабул қилингани йўқ, шунинг учун ҳар бир ўқув юрти ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш муаммосини ҳал этишда ўз йўлини топишга уринмоқда.

Тошкент Давлат техника университетида ҳар қандай муҳандис, мутахассислигидан қатъи назар, касбига доир билимларни мукаммал эгаллабгина қолмай, айни пайтда ҳар томонлама маълумотли, юксак ахлоқли инсон, чинакам ватанпарвар фуқаро бўлиши керак, деган ақида мавжуд. Шу боис университет ректорининг ташаббуси билан 1995 йилда бу ерда янги факультет - гуманитар таълим факультети ташкил этилган эди.

Ўқитувчилар дуч келган асосий қийинчилик - тарих, иқтисодиёт ҳамда жамият тараққиётига , замонавий назарга мос келадиган зарур услубий ва ўқув адабиётларининг йўқлиги эди. Талабаларга таълим бериш билан бир вақтда катта илмий тадқиқот ишлари авж олдириб юборилди. Чунончи, Ўзбекистон тарихи кафедрасида хариталарнинг мутлақо янги тўплами тайёрланди. Тўплам тез орада нашр этилади. Давлатимиз тарихи холисона акс эттирилгани учун ҳам, мазкур хариталар тўплами талабалар учун яхши ўқув қўлланмаси бўлади.

Бу ерда мамлакатимиз илм-фани ва хорижий илмфаннинг сўнгги ютуқларига асосланган ўқув-услубий қўлланма ҳам яратилган бўлиб, ҳозир ундан талабалар ҳам, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам муваффақиятли фойдаланишмоқда. Сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, профессор Фазлитдин Шарипов томонидан ўзбек тилида ёзилган сиёсатшуносликка доир учта янги дарсликни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маъқуллади ҳамда бошқа олий ўқув юртларида ҳам фойдаланиш учун бу дарсликлар нусхаларини кўпайтиришни тавсия қилди. Бу китоблар жиддий илмий материалга асосланган бўлиб, ўтмишдаги мафкуравий ақидалардан холидир.

Ҳозирча республикадаги бир неча олий ўқув юртидагина Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси ишлаб турибди. Шундай кафедралардан бири - Техника университетидадир. Бу кафедра зиммасига мамлакатимиз раҳбарияти сиёсатининг моҳиятини, республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мақсадларини талабаларга тушунтириш каби муҳим вазифа юклатилган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарлари янги курснинг негизини ташкил этган. Талабалар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини, уларнинг натижалари ва истиқболларини ўрганадилар ва таҳлил этадилар.

Техника дорилфунунида ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўқитувчилар талабаларга ҳуқуқий таълим асосларини ўргатибгина қолмай, уларни Олий Мажлис фаолияти ҳамда мамлакатимиз парламенти қабул қилаётган қонунлар билан таништирмоқдалар. Факультет талабаларнинг прокуратура, суд, милиция ходимлари билан учрашувларини ташкил этмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари йигит ва қизларга уларнинг ҳуқуқлари ва жамият олдидаги бурчларини тушунтириб бермоқдалар. Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун жазо берилиши ҳақида огоҳлантирмоқдалар. Бундай ишларнинг самарадорлигини статистика тасдиқламоқда. Сўнгги вақтда Техника университети талабалари томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар анча камайди.

— Биз мутахасисларимиз олаётган билим даражасини халқаро андозаларга яқинлаштирмоқчимиз, —дейишди университетда. Ҳозирги пайтда жаҳонда жуда кўп миқдорда илмий ва техникавий адабиётлар нашр этилмоқда. Уларда турли соҳалардаги тадқиқотлар тўғрисидаги сўнгги маълумотлар келтирилади. Афсуски, олий ўқув юртларини битирган мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам хорижий тилларни яхши билмаслиги оқибатида бу зарур ахборотлардан фойдалана олмайдилар. Техника университетида муаммога асосли равишда ёндашилди.

Масалан, инглиз тили кафедрасида ўқув дастурлари анча мураккаблаштирилди ва айни пайтда тайёргарлиги турлича талабаларга таълим беришнинг махсус усули ишлаб чиқилди. Бу эса ўқув жараёнидаги аввалги «тенглаштириш»дан қутулишга, ҳар бир талабани ўқитишга алоҳида ёндашишга имкон берди. Эндиликда дорилфунун талабалари хорижий тилларни билиши жиҳатидан тилларни ўргатишга ихтисослашган олий ўқув юртларидаги тенгдошларидан қолишмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истеъдодли ёшларнинг хорижда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ўтказган саралаш якунлари бўйича Техника университетининг иккинчи курс талабаси Андрей Исмоиловнинг инглиз тилига доир билими даражаси жуда юқори баҳоланди. Май ойининг охирида олий ўқув юртлариаро ўтказилган сўнгги республика олимпиадасида эса Техника дорилфунуни талабалари инглиз, француз ва немис тиллари бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Фақат маънавийлик шароитида, юксак маънавий маданият муҳитидагина ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялаш мумкин. Шу сабабли ҳозирги вақтда маънавият ва маърифат таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Эндиликда бўлажак техника мутахассислари этика, эстетика, маданиятшунослик, фалсафа каби фанларни ўрганишмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, талабалар бу фанларга зўр қизиқиш билан қараб, қўшимча адабиётларни ўрганишмоқда, факультатив машғулотларда бажонидил иштирок этишмоқда. Улар талабалар шаҳарчасида ижтимоий фанлар бўйича ўтказиладиган илмий анжуманларнинг энг фаол иштирокчиларидир.

Факультетда табиатан иқтидорли инсоннинг қобилияти кўпқиррали бўлади, деб ҳисобланади. Шу сабабли бу ерда талабалар ўз истеъдодларини мумкин қадар ривожлантиришлари учун имконият беришга ҳаракат қилинмоқда. Буни аниқ мисоллар ҳам тасдиқлаб ўтди. Масалан, Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказган «Ўзбекистон - Ватаним маним» танловида тасвирий санъат бўйича Техника университетининг муҳандис-иқтисодчилар факультети талабаси Марат Мирзаев лауреат бўлди. Унинг курсдоши Азиз Азизқориев шу жамғарма томонидан ўтказилган «Ватаним - ифтихорим, шон-шарафим!» танловининг «дизайн» йўналиши бўйича лауреати бўлди.

- Барча ишларимизнинг моҳияти, - дейди гуманитар таълим факультетининг декани Маргарита Аҳмедбекова, - университетдан бутунлай янгича тайёргарлик кўрган муҳандисларни етиштириб чиқаришдан иборат. Улар ижодий фикрлай олиши, бирор вазифанинг ечимини излаш жараёнида олган барча билимларини жамлай билиши лозим. Шу сабабли барча кўринишдаги ижодиётни биринчи ўринга қўймоқдамиз. Фақат ҳар томонлама таълим /маънавий тарбия бу таълимнинг тўла ва қонуний қисми ҳисобланади/ ҳақиқий инсонни, Ватанининг гуллаб-яшнашига ўз иш жойида ҳисса қўша оладиган фуқаросини камолга етказа олади.

**Анна Иванова,**
**ЎзА мухбири.**



## БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Тошкентдаги Олий умумҳарбий қўмондонлик билим юрти Республикамизнинг энг нуфузли билим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Сабаби, мазкур ўқув маскани битирувчилари ўзларининг пухта ҳарбий тайёргарликлари, замонавий техника илмини астойдил эгаллаб олганликларида, десак янглишмаган бўламиз.

Бу йил ҳарбий билим юрти 135-марта битирувчи-талабаларни етиштириб беряпти. Ўқув юртидаги сўнгги дақиқалар киши онгида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас.

Ўн етти нафар битирувчиларга аъло баҳоларга тамомлаганлик ҳақида диплом топширилди. Ёш зобитлар тантанали равишда ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Ватан ҳимоячиларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-полковник Рустам Аҳмедов қизғин табриклади.

**СУРАТЛАРДА**: Тошкент Умумҳарбий қўмондонлик билим юртида ўтказилган тантанали битирув тадбирини кўриб турибсиз.

**Назокат УСМОНОВА.**




*Битирув оқшомида*

# СИНФДОШ, УНУТМА...

Ўрта мактабни битириш оқшоми - ҳар бир инсон ҳаётида доимо ширин энтикиш билан эсланадиган унутилмас дамлардан ҳисобланади. Ҳа, сен улкан ҳаёт остонасида турибсан. Бугун байрам, атрофингда жондай азиз, қадрдон синфдошлар, меҳрибон устозлар...

Ўтган ҳафтада мамлакатимиздаги барча мактабларнинг битирувчилари ўзларининг унутилмас битирув оқшомларини нишонладилар, Сирғали туманидаги 104-мактабнинг 80 нафар битирувчилари устозлар ҳамроҳлигида туман гузарига тўпландилар. Тантанали кечани мактаб директори, халқ таълими аълочиси Абдунаби Орипов очди. Туман халқ демократик партиясининг биринчи котиби Ёқутхон Исҳоқова мактаб битирувчиларига ўзининг самимий тилакларини билдирди. Сўнгра қувноқ даврадаги шодиёналар бошланди. Ўн бир йил бир синфда ўқиб, эндиликда мустақил ҳаёт остонасида турган синфдошлар ҳаяжонининг чеки йўқ! Улар ҳатто нигоҳларидан бир-бирларини сўзсиз тушунадилар, мактаб даврида, эҳ-ҳе, қанча қизиқарли, унутилмас воқеалар бўлмади дейсиз! Ҳозир ушбу даврага файз киритиб ўтирган азиз устозлар - бошланғич синфда илк сабоқ берган Элмира Ҳайдарова, меҳрибон муаллимлар - Матлуба Саидхўжаева, Зумрад Саримсоқова, Султоной Режаметова, Зуҳра опа Раҳматовалардан барча миннатдор, ҳар бир шогирд самимий дил изҳорини айтиш истагида.

Бу йилги битирувчилардан тўрт нафари - Нилуфар Ҳакимова, Шуҳрат Нуралиев, Муножот Саттарова ва Сарвар Машариповлар санъат олийгоҳига ўқишга киришмоқчи. Синфдошларнинг орзу-ниятлари ҳам бир олам.

**Анвар Отажонов, битирувчи:**

- Менинг орзуим - ҳуқуқшунос бўлиш. Мустақил юртимизда замонавий, юксак малакали ҳуқуқшуносларга эҳтиёж катта.

**Дилшод Саидов:**

- Бизнес - маркетинг соҳасида ўқимоқчиман. Ҳозир бу соҳага эътибор катта. Кўпчилик ўқимасдан савдо қилиш мумкин, деб ўйлайди. Лекин барибир ҳар бир соҳада ўқиш, маълумот олиш керак. Менинг энг яқин дўстим Ҳикмат техника дорилфунунида ўқимоқчи. Мана шундай улуғ кунда унинг ниятлари ушалишига омад тилайман.

**Фарҳод:**

- Мен ўқиб, солиқ инспекциясида ишлайман. Чунки, эркин бозор иқтисодиётини пухта солиқ тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Наргиза, Феруза:**

- Орзуларимиз бир олам! Лекин қаерда бўлсак ҳам, синфдошлар, азиз устозларни доимо эслаб юрамиз. Яна беш йилдан сўнг худди шу ерда тўпланишга қарор қилдик.

**Нодир Тўлаганов:**

- Устозларимиз доимо соғ-омон бўлишсин. Вақти келиб, фарзандларимиз ҳам улардан сабоқ олишса, деб орзу қиламиз. Синфдошларимизга доимо омад ёр бўлсин!

**Бахтиёр ХАЙДАРОВ ва Чарос ҒИЁСОВА**
**ёзиб олишди**

*Социология ва ҳаёт*

# МЕНЕЖМЕНТ — БОШҚАРУВ ИЛМИ

Менежмент (инглизча- management - бошқарув) ишбилармонлик фаолиятига, турмуш тарзига ҳамда сиёсат соҳасига тегишли бўлган бошқарув фаолиятидир. Менежмент шунингдек, хусусий ва ижтимоий бизнес соҳасида бошқарув фаолияти билан банд бўлган шахслар мажмуасини ҳам ифодалайди. Ниҳоят, менежментнинг яна бир маъноси шуки, у ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техник-ташкилий ва ижтимоий жиҳатларини ўрганувчи илмдир. Менежмент ўз моҳиятига кўра амалий ишбилармонликнинг иқтисодий, техник-ташкилий, ҳуқуқий ва руҳий масалаларини қамраб олади. Умуман, менежментнинг мақсад ва вазифалари ҳар қандай ташкилот (фирма, корхона, муассаса) учун амалда қўл келадиган умумий бошқарув қоидаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ.

Менежмент қарийб бир асрлик тарихга эга. XIX аср охири XX аср бошларида бир гуруҳ америкалик илғор муҳандислар гуруҳи "илмий менежмент" ҳаракатини бошлаб берган эди. Бу гуруҳга машҳур Ф.Тейлор (1856-1915) бош бўлган эди.

Тейлор биринчи бўлиб инсон омилини кашф этган шахс эди, деб айтса бўлади.Чунки у ўз таълимоти асосига моддий манфаатдорлик қоидасини қўйган эди. Муайян тадқиқотлар асосида Тейлор одамларнинг янгиликларга нисбатан руҳий бўшанглигини (инертлигини) бартараф этишни асосий муаммо деб ҳисоблаган. Кейинчалик ўз "руҳий инқилоб" концепцияси асосига ҳам шу қоидани қўйган эди. Моддий манфаатдорликни жорий этиш учун одамлар ўзлари ҳақиқатда ишлаб топганларидан кўп топмасликлари керак деган қоидани ҳам Тейлор асослаган эди. Умуман, Тейлорнинг меҳнатни ташкил этиш ҳақидаги қоидалари кейинчалик америкача менежмент учун асос бўлиб хизмат қилган эди.

"Илмий менежмент" тарафдорларининг саъйҳаракатлари туфайли XX аср биринчи чорагидаёқ Америка саноатни ташкил этиш ва бошқарув соҳасида анча илгарилаб кетган эди. Унинг натижаси ўлароқ менежмент фаолият тури сифатида тан олинди ва жамиятнинг муҳим институтига айланди. Менежментнинг мавқеи юксалиб, бора-бора катта сиёсат соҳасига айланди.

Менежмент америкалик социолог Э.Мэйо (1880-1949) ва унинг меҳнатни бошқаришни ташкил этишнинг илмий услублари бўйича ўтказган машҳур Хоторн тадқиқотлари натижасида ижтимоий- руҳий мазмун билан бойиди. Тахминан шу даврларда, яъни 30-йилларда Америкада амалий менежмент тажрибаси умумлаштирилиб, дастлабки менежмент назариялари ҳам пайдо бўла бошлади.

Менежмент тараққиётининг ўзига хос учинчи босқичи америкалик иқтисодчи ва социолог П.Ф.Дракер номи билан боғлиқ. Айнан у менежментнинг классик мактабини "инсоний муносабатлар" доктринаси билан узвий боғлади. Бу шуни англатадики, менежмент амалиётининг биринчи босқичида асосий муаммо иш жойини ташкил этиш (тейлоризм), иккинчи босқичида - корхонанинг ижтимоий ташкил этилиши (Мэйо) бўлган бўлса, энди корпорациянинг бошқарув тузилмаси, менежернинг замонавий жамиятда тутган ўрни ва роли масалалари очиб берилди. Бошқача айтганда, менежмент фақатгина бизнес соҳасига эмас, балки таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига ҳам тадбиқ этила бошланди. Ҳатто жамиятнинг ўзи корпорация, яъни улкан корхона деб қарала бошланди. Шу асосда энди бутун жамиятни бошқариш, яъни давлат бошқаруви такомиллаша борди. Айтиш мумкинки, бошқарув илмида икки даража шаклланди: 1) меҳнат жараёнларини бошқарув, ишчи ва хизматчилар хулқатворига таъсир ўтказиш; 2) ижтимоий бошқарув (давлат бошқаруви).

Ҳозирги пайтга келиб менежмент назарияси ва амалиёти асосида учта мактаб шаклланган. Булар қуйидагилар:

1. **Маърифатли.** Бу - европача менежмент бўлиб, унинг асосини ўта саводхонлик, ўз ишини пухта билиш, юксак маданият, ҳар қандай шароитда ишлай билиш кўникмалари ташкил этади. Кўпинча намуна сифатида немис олимлари мисол қилиб кўрсатилади.

2. **Классик (мумтоз).** Бу - Америка менежменти бўлиб, унинг асосини прагматик ёндашув ташкил этади. Инсон қобилиятларини иложи борича кўпроқ рўёбга чиқариш, шахснинг такрорланмас; ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш, унинг ноёб, янгича тафаккур тарзини равнақ топтириш бу мактабнинг моҳиятини ташкил этади.

3. **Анъанавий.** Бу- япон менежменти. Ўзига хос, ўта мослашувчан япон маданияти ғарб, асосан америка менежмент тажрибасини қисқа вақт ичида ўзлаштира олган. Япон менежментининг асосини фирмага содиқлик ташкил этади. Ходим фирмага бир умрга ёлланади, сифат учун кураш мажбуриятини олади. Умуман, япон ишбилармонлари учун корпоратив, яъни гуруҳий руҳ, кучли миллий онг хосдир.

Юқорида айтиб ўтилган менежмент мактаблари ривожланган ғарб дунёсининг учбурчак (Америка-Япония-Ғарбий Европа) кўринишидаги рақобати ўлароқ шаклланган. Қолаверса, ҳар бир миллий маданиятга, яъни америкача, японча ва европача маданиятга хос "муваффақият формуласи" мавжуд. Яъни ҳар бир халқнинг ўз муваффақият формуласи бўлади.

Ҳозирда Осиё-Тинч океани ҳавзасидаги Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби мамлакатларнинг тез ривожланиши ўлароқ, мутахассислар фикрига кўра, янги хилдаги менежмент - **модернистик** менежмент шаклланмоқда. Тезкорлик, ахборот билан юқори даражадаги таъминланганлик, қабул қилинган қарорларнинг илмийлиги ҳозирги замон менежментининг нафақат илм эканлиги, балки юксак санъат даражасига кўтарилганлигини англатади. Ана шу санъатни эгаллай билиш бизда ҳам менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

**Абдуғани ХОЛБЕКОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди**

*"Камолот"— Соғлом авлод учун*

# СОҒЛИҒИНГДА ЮГУРМАСАНГ

**оғриганингда чоп-чоп қиласан.**
**ГОРАЦИЙ.**

Тонг қоронғусида ўрнингиздан туриб, кимсасиз кўчаларда мазза қилиб югуриб кўрганмисиз? Беғубор тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириб югургандан сўнг ювиниб, артинган одамнинг кайфияти, руҳий ҳолати бошқача бўлади. Кўзлари чақнаб, билагида куч-ғайрати тўлибтошиб туради. Дуч келган одам билан икки оғиз ҳазил-ҳузул қилгиси ёки кечадан қолган бирор ишни қойиллатиб қўйгиси келади. Бунинг боиси шуки, туни билан фаол ҳаракатсиз "мудраб қолган" тана аъзоларида югуриш туфайли қон айланиш тезлашади. Барча ҳужайраларнинг кислород билан таъминланиши ортади ва натижада тана аъзолари тетиклашиб, кундалик бардам ҳолатига қайтади. Тиббиёт илмининг бобокалони ибн Синонинг айтишича, ўз вақтида меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди. Аксинча, бадан-тарбияни тарк этган киши аксар хароб бўлади. Зеро, ҳаракатсиз қолган аъзоларининг қуввати заифлашади. Улуғ аллома Гиппократ югуришнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб: "Ёмғир дарахт ғуборини ювгандай югуриш ҳам бадан ғуборини тозалайди", деган экан. Хуллас, югуришнинг инсон саломатлиги учун келтирган фойдаси ҳақида кўплаб ибратли мисоллар келтириш мумкин. Ўз саломатлиги ҳақида қайғурган ҳар бир одам бу ҳақда ўйлаб кўрса арзийди. Бу борада "Камолот" жамғармаси Бағдод тумани бўлими томонидан ўтказилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Икки йилдан буён туманда узоқ масофага югуриш бўйича оммавий спорт мусобақаси ўтказилмоқда. Ўтган йили мусобақада "Пахтакор" жамоа хўжалиги спортчиси Хасанбой Алипшаев ҳаммадан юксак натижа кўрсатиб, 3 километрлик маррага биринчи бўлиб етиб келганди. Вилоят мусобақасида ҳам қатнашиб биринчиликни эгаллаб, туманимиз спорт шарафини ҳимоя қилган эди.

Бу йилги мусобақа ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Халқ таълими бўлими услубчилари А.Умаров ва К. Нурматовлар ҳакамлигида ўтказилган мусобақада 51 та югурувчилар иштирок этдилар. 3 километрлик масофани 9 минут 33,5 секундда чопиб ўтган туман халқ таълими бўлими, вакили Ғуломжон Қобулов эришган натижага ҳеч ким етолмади.

Мусобақа сўнгида мустақилликнинг 6 йиллиги арафасида ҳам оммавий югуриш мусобақаси ўтказилиши маълум қилинди.

**Ҳамид ЖАЛИЛ,**
**"Камолот" жамғармаси туман бўлимининг «Истеъдод» клуби раиси**

## ЧОРШАНБА ОҚШОМИ

Наманган тумани Маданият ишлари бўлими ва "Камолот" туман жамғармаси ҳамкорликда туман ҳокимлиги фармонига асосан, меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини яхшилаш, айниқса, ёшларни ишдан сўнг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанба кунида туман марказидаги "Етти булоқ" номли маданият ва истироҳат боғида "Чоршанба оқшоми" мусиқали дам олиш кечаси ташкил этилиб, ўтказилмоқда. Ушбу кечада тумандаги тиббиёт ва ҳунар тарғиботчилари, маънавий-маданий марказлари ходимлари жалб этилган бўлиб, дам олиш оқшомида ўзларининг махсус режалари орқали халқ билан учрашувлар ва турли хил мавзулар асосида маърузалари билан чиқишлар қилмоқдалар. Кечанинг қизиқарли, мазмунли ўтказилиши учун тумандаги 13 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари жалб этилган. Айниқса, туман маданият уйи қошидаги "Олвализор гуллари" ашула ва рақс дастаси, "Ниҳол" бадиий ҳаваскорлик дастаси, "Наврўз" дастаси жамоаларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Садбархон ЖЎРАЕВА**

